2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

№ 30 (9141)-son

2021-yil 29-iyul, payshanba

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

# QISHLOQ HAYOTI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

@Qishloqhayoti_gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда ошкоралик, адолатлилик ва шаффофлик тамойиллари асосида замонавий талабларга жавоб берадиган самарали хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш, ордер бериш механизмини такомиллаштириш ва тўлиқ рақамлаштириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **2021 йил 1 октябрдан** бошлаб мазкур қарорга 1-иловада рўйхати келтирилган давлат тиббиёт муассасаларида (кейинги ўринларда – ихтисослаштирилган муассасалар) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга **квота асосида ордер бериш тартиби бекор қилинади** ва **молиялаштиришнинг янги механизми асосида** уларни ҳисобга олиш ва навбат асосида **даволанишга йўллашнинг электрон ахборот тизими** (кейинги ўринларда – ахборот тизими) жорий этилади.

Белгилансинки, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни ихтисослаштирилган муассасаларга даволанишга йўллашда:

**касалликнинг оғирлик даражасидан келиб чиқиб** ахборот тизими орқали **навбатда туришнинг** шаффоф механизмлари татбиқ этилади;

кам таъминланган оилаларга мансуб шахслар тоифасига кирувчи фуқаролар **"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимига мувофиқ аниқланади**;

беморларга ўзларининг сўровлари, мурожаатлари ҳамда навбати ҳақидаги **ахборотни реал вақт режимида** олиш **имконияти таъминланади**;

беморларга, уларнинг касаллигига мувофиқ ихтисослаштирилган муассасаларда **даволанишларини таъминлайдиган, тиббий хизматнинг қиймати кўрсатилган** ҳамда матрицали штрих код (QR-код)га эга бўлган **йўлланма** (кейинги ўринларда – йўлланма) берилади;

йўлланма ахборот тизимида **автоматик тарзда шакллантирилади** ва **давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларида** тиббий хизматлар олиш ҳуқуқини беради;

бемор **даволанганидан сўнг** Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси даволаган муассасага **базавий нархлар** доирасида беморга кўрсатилган тиббий хизматларни асословчи ҳужжатларга мувофиқ, сарфланган маблағни Давлат бюджети ҳисобидан ўтказиб беради;

б) қуйидагилар:

**2021 йил 1 ноябрдан** бошлаб республика ихтисослаштирилган кўз **микрохирургияси ва урология**;

**2022 йил 1 январдан кардиология, травматология ва ортопедия** ҳамда **акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказлари** томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан** кўрсатилишига рухсат берилсин.

Белгилансинки:

имтиёзли тоифага кирувчи шахслар тиббий хизмат кўрсатадиган Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан шартномаси мавжуд давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларини **ўз хоҳишига кўра эркин танлаш ҳуқуқига** эга бўлади;

имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатувчи нодавлат тиббиёт ташкилотларига қўйиладиган **талаблар** Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади;

**нодавлат тиббиёт ташкилотлари** томонидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тузиладиган **шартнома асосида базавий нархлардан** келиб чиқиб, амалга оширилади;

в) амалдаги ордер бериш тартибига асосан расмийлаштирилган ордерлардан **2022 йилнинг 1 январига** қадар **фойдаланиш мумкин**;

г) **2022 йил 1 январдан** бошлаб мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ давлат тиббиёт муассасаларида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тартиби жорий этилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини баҳолаш ҳамда уларнинг тасдиқланган стандартларга мувофиқлигини, ажратилган маблағлар самарадорлиги ва натижадорлигини назорат қилиш Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан амалга оширилади.

3. Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига **қўшимча 8 та штат бирлиги** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида"ги ПҚ–5053-сон қарорига мувофиқ мақбуллаштирилган штат бирликлари ҳисобидан ажратилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ташкилотлари ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони ҳамда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг **14 та бош мутахассиси** лавозимлари киритилсин ва улар соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органларида жойлаштирилсин.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА ▸▸










## Учқўрғонда ШУНДАЙ ФЕРМЕР БОР

*Бугун фермер Гулхумор Тоғаевани нафақат Наманганда, балки мамлакатимизда ҳам яхши танишади. У бундай эътироф ва эътиборга бор билими, куч-қуввати, иқтидорини она-юрт равнақи йўлида бахш этаётганлиги боис мушарраф бўлаётир.*

▸2

## САЙЛОВНИНГ РАСМИЙ ЛОГОТИПИ ТАНЛАНДИ

*Сайлов – муҳим сиёсий жараён. Унинг боришини ОАВ вакиллари иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сайлов жараёни нечоғли кўп ёритилса, фуқароларнинг фаоллиги шу қадар ошиб, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий билими шу қадар кенгайиб бораверади.*

24 ОКТЯБРЬ 2021 ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ

Сайловларни яхши ва сифатли ёритиш учун эса, шубҳасиз, яхши шароит мавжуд бўлиши керак. Шу маънода, Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида журналистлар учун қулайлик ва шарт-шароитлар яратилган.

Биринчи навбатда, журналистлар ўз фаолиятларини бемалол олиб бориши учун Матбуот маркази компьютер ускуналари билан тўлиқ таъминланган.

Матбуот марказида юқори тезликка эга WI-FI мавжуд. Шунингдек, матбуот марказида журналистлар учун буфет, яъни овқатланиш жойи ажратилган. Бу хизматдан ҳам марказга келган ҳар бир журналист бемалол фойдалана олади.

Бугунги тадбирда шу ва шу каби бошқа қулайликлар ҳақида маълумот берилди. Шу билан бирга, сайлов кампаниясининг ўзига хос имиджи – сайлов логотипи ҳам тақдим қилиниб, унинг тавсифи тушунтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясини ўтказиш даврида кенг фойдаланиладиган рамзлар, сайловнинг "юзи" ҳисобланувчи логотип ҳамда бошқа атрибутларнинг кўриниши ва моҳиятини ишлаб чиқишда аввалги сайловларда орттирилган малака, шунингдек, замонавий дунё тажрибасига таянилган.

Дунё тажрибаси, хусусан, Россия, АҚШ, Франция, Корея Республикаси сингари мамлакатларнинг сайлов ўтказиш борасидаги амалиёти ўрганилганида, маълум бўлдики, ривожланган мамлакатларнинг аксарияти ўз сайлов кампаниясини ўтказиш чоғида фойдаланадиган логотипида учта жиҳат бўлишига алоҳида аҳамият қаратар экан. Булар муайян сана, ҳамма учун бир хилда тушунарли рамз, давлат байроғининг ранги ҳисобланади.

Асосийси, логотип ўзи билан зарур ахборотни "ташиши" керак. Бу борада қарийб уч ой мобайнида изланишлар олиб борилди. Мазкур мақсадлар учун махсус фокус гуруҳи ташкил этилиб, унинг таркибига мамлакатимиз аҳолисининг барча қатламлари, зиёлилар, ишчилар, хизматчилар, деҳқон-фермерлар, шунингдек, ёшлар, кексалар, эркаклар ва аёллар, умуман олганда, ҳамма тоифа вакиллари киритилди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

***АҚШнинг Миннесота округи бўйича собиқ бош федерал судьяси Жон Танхайм Ўзбекистонда кейинги беш йил давомида суд жараёнида томонларнинг тенглиги, суд жараёнларининг жамоатчилик учун очиқлигини таъминлашга қаратилган муҳим ислоҳотлар амалга оширилганини эътироф этди. Ўзбекистон бу борада Марказий Осиё минтақасида етакчи ўрин тутмоқда.***

Словения собиқ адлия вазири Горан Клименчич Ўзбекистонда суд тизими, шу жумладан, суд қарорларини эълон қилиш амалиёти ижобий натижа беришига ишонч билдирди. Европа Иттифоқи мамлакатлари тажрибасига батафсил тўхталиб, бу борада суд жараёни иштирокчиларининг шахсга доир маълумотларнинг ишончли ҳимоя қилиниши муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

"McDermott Will & Emery" халқаро юридик фирмасининг (АҚШ) ҳамкори Роберт Корди Ўзбекистонда адвокатура институтини ривожлантириш демократик ислоҳотларнинг натижадорлигига ижобий таъсири ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Бу фикрлар "Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш: Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида ўтказилган халқаро онлайн конференцияда қайд этилди.

Адлия вазирлиги томонидан Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ҳамда "Минтақавий мулоқот" халқаро ноҳукумат ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Олий суд, Бош прокуратура, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ички ва ташқи ишлар вазирликлари, Адвокатлар палатаси вакиллари, шунингдек, БМТ Тараққиёт дастури, АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID), Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) экспертлари ҳамда бошқа мустақил халқаро экспертлар иштирок этди.

Халқаро конференцияда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббусига кўра амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, хусусан, коррупциянинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, прокуратура органларининг қонун устуворлигини таъминлашдаги роли, адвокатура соҳасидаги ижобий ўзгаришлар билан боғлиқ мавзулар муҳокама қилинди.

Суд тизими мустақиллигини таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар, давлат органлари фаолиятида очиқликни таъминлаш, коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ ўзгаришлар хорижий мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

## ДАЛА БЎЙЛАБ УЧГАН ДРОНЛАР

### УЛАР ЗАРАРЛИ ҚУРТЛАРГА ҚАРШИ "ИШЛАЙДИ."

*Янгилик*

**Сайхунобод туманидаги "POLY TEX SIRDARYO" МЧЖ шаклидаги пахта-тўқимачилик кластери дала майдонларида трихограммани дрон ва тракторлар ёрдамида тарқатиш усули қўлланилмоқда.**

Тошкент давлат аграр университетининг ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш илмий тадқиқот марказида энтомофагларни тарқатиш ускуналари яратилди. Ушбу ускуналар трактор ҳамда дронларга ўрнатилиб, зарарли қуртларга қарши трихограмма тухумхўрини тез ҳамда ресурстежамкор технологиялар асосида қўллаш имконини беради.



Фуркат ТОШМАТОВ олган сурат.

Биология фанлари доктори, академик Ҳожимурод Кимсанбоев ушбу тадқиқотнинг амалиётдаги натижалари хусусида сўзлаб берди:

Бугун нафақат бизда, балки бутун жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинларига кўплаб зараркунандалар хавф солиб, ҳосилнинг катта қисмини нобуд қиляпти. Юртимизда ҳар йили зарарли ҳашаротларга қарши курашиш жараёнлари олиб борилади. Битта ҳашарот тури оммавий кўпайиб кетган тақдирда ҳам ҳосилнинг эллик-олтмиш фоизи нобуд бўлиши мумкин. Зарарли ҳашаротларни ҳамма вақт кимёвий усуллар билан бошқариш анча мураккаб. Республикамиз далаларидаги зараркунандалар хавфини камайтириш ёки батамом йўқ қилиш, экологик тоза маҳсулот олиш мақсадида ўсимликларни табиий усул билан зараркунандалардан ҳимоя қилиш ғояси илгари сурилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пахта-тўқимачилик кластерларида илмий марказлар ташкил этиш асосий вазифа қилиб қўйилганди. Ана шу ташаббус доирасида Сирдарё вилоятида пахта-тўқимачилик кластерлари ичида биринчи бўлиб Сайхунобод туманидаги "POLY TEX SIRDARYO" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги пахта-тўқимачилик кластерида илмий марказ ташкил қилинди. Вилоят прокурорининг қўллаб-қувватлаши ҳамда "POLY TEX SIRDARYO" МЧЖнинг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича маслаҳатчиси Холйигит Раимбердиев ва илмий марказ раҳбари Аҳадқул Пиримқуловларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли кластер далаларида трихограммани дрон орқали тарқатиш технологияси бўйича янги йўналиш очдик. Бу жуда фойдали жараён. Асосан ғўзага тушадиган кўсак қурти ва зарарли ҳашаротларни йўқ қилишга мўлжалланган. Бу амалиёт халқона тушунтирилганда, ҳосилга тушган зарарли ҳашаротларни фойдали ҳашаротлар, яъни трихограмма билан йўқ қилиш жараёни бўлиб, ўзимиз яратган аппарат дронларга ўрнатилиб, унинг ичига трихограммалар солиниб пахта далаларига тарқатиляпти. Камида 500-600 одам қиладиган ишни битта дрон бажармоқда.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА ▸▸

"Qishloq hayoti" | 2021-yil 29-iyul | 30-son

**Клиник протоколлар, диагностика ҳамда касалликларни даволаш стандартлари қайта кўриб чиқилади**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

**ҚАРОРИ**

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Иноятов раҳбарлигида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш ва молиялаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий, молиявий ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилиш бўйича **ишчи гуруҳ** ташкил этилсин ва у мазкур йўналишда Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси фаолиятига кўмаклашиб борсин.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатув кенгашига (Л.Тўйчиев), зарур ҳолларда, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижро этувчи аппаратининг тасдиқланган тузилмасига бошқарув ходимларининг чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. **2021 йил 1 октябрдан бошлаб** Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш учун ихтисослаштирилган муассасаларни Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тузилган **шартномалар асосида базавий нархларда** молиялаштириш механизми жорий этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ва Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (Ф.Шарипов) билан биргаликда **2021 йил 15 сентябрга қадар** ихтисослаштирилган муассасаларни шартнома асосида базавий нархлардан келиб чиқиб молиялаштириш тартибини тасдиқласин.

Молия вазирлиги (Ж.Абруев) имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш учун ихтисослаштирилган муассасаларга ажратилган Давлат бюджети маблағларининг 2021 йил 1 октябрь ҳолатига қолдиқ қисмини Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига ўтказиб берилишини таъминласин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев):

а) **бир ой муддатда:**

Молия вазирлиги билан биргаликда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишган ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича тасдиқланган стандартларга мувофиқ тиббий хизматларнинг базавий нархларини шакллантирсин ва уларнинг янгиланиб борилишини таъминласин;

б) 2021 йил якунига қадар далилларга асосланган тиббиётга мувофиқ замонавий даволаш-диагностика услуб ва технологияларни киритган ҳолда **клиник протоколларни, диагностика ҳамда касалликларни даволаш стандартларини** қайта кўриб чиқсин ва тасдиқланишини таъминласин.

Бунда, диагностика ва даволаш сифатига оид стандартларни янгилаш бўйича режа-графикни республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари кесимида тасдиқласин ва ушбу стандартлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилишини таъминласин.

6. **Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллашнинг электрон ахборот тизимига интеграция қилинадиган маълумотлар рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Азизов) **2021 йил 1 октябрга қадар**:

а) соғлиқни сақлаш соҳаси учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан ахборот тизимини ишлаб чиқсин;

б) Молия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда имтиёзли тоифага кирувчи шахслар тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

7. Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг бўш турган ҳудудида янги бино-иншоотлар комплекси (кейинги ўринларда – комплекс) барпо этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки:

комплекснинг қуввати камида **650 та стационар ва 100 та кундузги стационар** ўринлардан иборат бўлади ва **2023 йилнинг 1 апрелига қадар** фойдаланишга топширилади;

Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази комплекс фойдаланишга топширилгандан кейин унга ушбу марказнинг **Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти филиалларини** қўшиб олиш йўли билан **қайта ташкил этилади**.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артикходжаев), Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев) Корея Республикаси тажрибасини ҳамда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни ҳисобга олган ҳолда комплексни қуриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, **2021 йилнинг якунига қадар** қурилиш ишларини бошласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги ПҚ–5130-сон қарори билан ташкил этилган Республика гематология, онкология ва радиология марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи (Б.Мусаев)га:

а) белгиланган муддатларда комплексни фойдаланишга топшириш, соҳадаги илғор хорижий тиббиёт муассасаларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда унинг фаолиятини йўлга қўйиш, бу борада ташкилий, молиявий, моддий-техник ва бошқа масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш;

б) Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий тиббий таълим муассасалари магистратураси ва клиник ординатурасида тор соҳа мутахассисларини тайёрлаш;

Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази томонидан ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов), Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги элчихонаси (В.Фен) билан биргаликда Корея Республикасининг етакчи илмий ва тиббиёт марказлари билан ҳамкорликда онкология, гематология, радиология, клиник иммунология, юқори технологик трансфузиология, лаборатория ва бошқа йўналишлар бўйича кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкиллаштириш вазифалари юклатилсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг **2021 йил 1 августдан** бошлаб онкология, онкогематология ва гематология муассасаларининг паллиатив ёрдам кўрсатиш бўлимлари шифокорлари, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари лавозим маошига меҳнатнинг соғлиқ учун ўта хавфли шароитлари учун **25 фоиз** миқдорида **ҳар ойлик устама ҳақ тўлаш** ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.Баситханова) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **2022 йил 1 январдан** бошлаб босқичма-босқич:

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг **46** та туғуруқ бўлимлари негизида 4-иловага мувофиқ туманлараро перинатал марказларни амалдаги штатлар доирасида ташкил этиш;

оналар, янги туғилган чақалоқлар ва болалар учун ҳудудларда самарали перинатал, неонатал ва педиатрик хизматларни олиш имкониятини яратиш;

минтақавий перинатал марказларни такомиллаштириш ва 3-даражали акушерлик муассасаларини белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозлаш чораларини кўрсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Азизов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.Вафаев) билан биргаликда 2021 йил 1 ноябрга қадар халқаро молия ташкилотларининг кредит маблағларини мақбуллаштириш ҳисобига республикадаги туғуруққа ёрдам берувчи муассасаларни замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш учун халқаро молия ташкилотлари билан музокаралар ўтказсин.

11. **Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси"** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев):

а) 2021 йил 1 сентябрга қадар:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий органларида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга республика миқёсида тиббий хизматларни кўрсатиш, уларнинг мурожаатларини қабул қилиш, маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этишга мўлжалланган ягона қисқа рақамли бепул **"тезкор алоқа"**ни йўлга қўйсин;

**оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари биноларида**, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг **расмий веб-сайтларида** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг ҳажмлари, ихтисослаштирилган бепул тиббий ёрдамни кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги **маълумотларни жойлаштириш** ҳамда тарғибот материалларини тарқатиш чораларини кўрсин;

б) **2021 йил 1 октябрдан** бошлаб ихтисослаштирилган муассасаларнинг **расмий веб-сайтларида** бўлимлар кесимида мавжуд ўринлар сони, шу жумладан, бўш ўринлар сони, кўрсатиладиган тиббий хизматлар турлари ва нархлари **жойлаштирилишини** ва мунтазам **янгиланиб борилишини** таъминласин;

в) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ихтисослаштирилган муассасаларда имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш бўйича жорий этилаётган механизмларнинг мазмун-моҳияти кенг жамоатчиликка оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, расмий веб-сайтлар, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, **матбуот анжуманлари, брифинглар, пресс-клуб муҳокамаларини** ташкил этиш орқали тезкор етказилиши, тушунтирилиши ва кенг ёритилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири **А.М.Хаджибаев, унинг ўринбосарлари А.Ш.Иноятов, А.А.Азизов, У.Ю.Собиров, Э.И.Баситханова**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарорнинг ўз вақтида ва натижали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **Б.А.Мусаев** ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари **Л.Н.Тўйчиев** зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 28 июль

# УЧҚЎРҒОНДА ШУНДАЙ ФЕРМЕР БОР



**(Боши 1-саҳифада)**

Опа отаси Эргашбой ака бошчилигида қўриқ ерга кўчиб келиб, ертўлада истиқомат қилган оғир кунларини яхши эслайди. Қишнинг қаҳратон кечалари, ёзнинг жазирама кунларида далада ҳаёт кечириш, меҳнат қилишнинг ўзи бўладими? Айниқса, даштнинг "искабтопар" чивинлари дастидан пашшахона ичида жон сақланган кунлар ҳали ҳам тушига тез-тез кириб туради. Ўша оғир даврларни невараларига ҳикоя қилиб берса ишонқирамай тинглашади. Бугун фермер опа учун қадрдон бўлган ушбу ҳудудларни айланган киши тамоман ўзга манзаранинг устидан чиқади. Йилдан-йилга чирой очиб, кўркамлашиб бораётган Янгиер қишлоғини таърифлашга сўз ожиз. Унда қад ростлаган замонавий уйлар, спорт мажмуаси, мактаб, болалар боғчаси, хусусий шифохона, дорихона, маданият маркази, спорт саройи, мини футбол майдони, савдо ва маиший хизмат шахобчалари, озиқ-овқат, нон, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари... Эҳҳэ, опа бошчилигида қурилиб, фойдаланишга топширилган ва янгитдан барпо қилинаётган бундай иш жойларини яна кўплаб келтириш мумкин. Адоғи кўринмас, 1128 гектар майдонни эгаллаган юқори ҳосилли пахта, ғалла майдонлари, мевасидан бол томадиган боғлар, мазаси оғзингизда қоладиган қулупнайзор, полизлар, чорвачилик мажмуаси, ҳосили экспортга кетаётган иссиқхоналар, юздан ортиқ хориж техникалари, замонавий цехларига эга техника парки, барча-барчаси бугун Янгиер қишлоғи иқтисодиётининг юксалишига, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилаётир. Буларнинг ташаббускори, меъмори, ижрочиси, борлиғини ватан ичра ватан бўлган қишлоғига бахшида этаётган, вилоят кенгаши депутати, қатор давлат мукофотлари соҳиби, 618 нафар ишчига эга, кўп тармоқли "Гулхумор" фермер хўжалиги раҳбари Гулхумор опа Тоғаева бўлади. У ўтган давр ичида ирригация мутахассислигидан қўлини қаерга чўзса етадиган фидойи қишлоқ тадбиркорига айланди. Мустақиллигимизнинг шонли 30 йиллиги нишонланишига қизғин ҳозирлик кўрилаётган ушбу шукуҳли кунларда опа билан суҳбатлашдик.

– Отам раҳматли "Ер-хазина, калити деҳқон қўлида", – дея бизга қайта ва қайта уқтирарди, – дейди Гулхумор опа. – Ҳақиқатни айтаман, заминимизнинг ҳар қаричи олтинга тенг. Аммо бугунги кунда айрим фермерлар ерига чин маънода меҳр бермаяпти. Баъзилари ерни олиб, мулкдор бўлиб олгану, ишни иш юритувчиларига топшириб қўйган. Ҳатто далага ҳам кирмай, қўштирноқ ичида "бошқарувчилик" қилмоқда. Замин минерал ўғитга ўргатиб қўйилди, маҳаллий ўғит солиш томомила унутилди. Натижа эса, ўша хўжаликларнинг бугунги иқтисодиётида намоён бўлиб турибди. Менимча, бугунги фермер энг аввало ўз устида ишлаши керак. Фақат пахта, ғалла етиштириб ривож топаман деган хўжалик етакчиси адашади. Ҳар йили ҳеч бўлмаганда биттадан ишлаб чиқаришни жорий этиб кўптармоқлилик йўлида изланаверса, ошиғи олчи бўлади. Бировга қарам бўлмайди. Яна эски, муддатини ўтаган техникаларни амал-тақал қилиб ишлатиб юришга нуқта қўйиш вақти келди. Имтиёзли кредитлар эвазига янги техникалардан олиш, хизмат кўрсатиб самарадорликка эришиш пайидан бўлиш зарур. Бугунги фермер фақат ўзини, оиласини ўйламаслиги керак. Аъзоларининг ойлигини ўз вақтида, эҳтиёжига етадиган миқдорда бериши, шароитидан доимо бохабар бўлиши, уй қуришида, тўй қилишида, соғлигини тиклашида маблағ ажратиши лозим. Чунки, қўл остидагилар қанчалик соғлом, ташвишлардан холи бўлса ишда сифат, унум ва самара бўлади. Ишчиларимиз тўла грипп ва коронавирусга қарши эмланди. Мустақиллик йилларида соф даромадимиз ҳисобидан 15 нафар аъзога уй қуриб бердик. Ҳар йили уй, тўй қиладиганларга 20-40 миллион сўмгача моддий кўмак бериб келамиз. Барча аъзолар, хўжаликка қарашли замонавий шифохонамизда бепул 12 кунлик даволаниш, соғлигини тиклаш муолажаларидан баҳраманд бўлаётир. Шу ўринда айрим фермерларимизга ишга шундай ёндашишларини сўраб қоламан. Олган даромадидан қўша-қўша машина, данғиллама уй, тўй қилишнинг ўрнига, 5-10 кишилик бўлса ҳам маҳалладошлари учун ишчи ўрни яратиш характида бўлса, асло камлик кўрмайди. Бугунги фермер аввало ўзи, қолаверса қўл остида меҳнат қилаётганларнинг янада маънавиятли-маърифатли бўлиши учун масъул эканини унутмаслиги даркор. Керак бўлса вақти, имконияти, маблағини аямаслиги шарт. Шу ўринда вилоятимиз ҳокими Шавкатжон Абдураззоқовнинг ёшларимиз қўлига бугун китоб, газета, журнал тутқазиб ўқимишлилигини юксалтиришимиз, интернетнинг салбий таъсирларидан асрашимиз керак, деган даъваткор сўзларини қўллаб-қувватлайман. Босма нашрларга, биз, фермерларнинг доимий ҳамроҳимиз, маслаҳатчимизга айланиб қолган "Қишлоқ ҳаёти" газетасига келгуси йил учун ҳам обуна бўламиз. Дала шийпонларида "Маънавият хонаси" фаолиятини изга солиб, китоблар сонини кенгайтирамиз.

Ҳар куни, эрта тонгда Яратгандан сўрайман: илоҳим, юртимизга кўз тегмасин, дала ва боғларимиз янада барокатли бўлсин, дастурхонларимиздан тўкинлик аримасин, тўй, байрам, доруломон кунлар сафоси-ла ҳаёт кечириш бахти барчамизга насиб этсин!

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ суҳбатлашди.**

# ДАЛА БЎЙЛАБ УЧГАН ДРОНЛАР

## УЛАР ЗАРАРЛИ ҚУРТЛАРГА ҚАРШИ "ИШЛАЙДИ."

**(Боши 1-саҳифада)**

Ҳозирча натижаларимиз жуда яхши. Кўсак куртининг тухуми, куртлари ҳам деярли йўқ. Ҳаттоки, дала ўсимлик битлари ва шираларидан ҳам деярли тоза.

Трихограммани шогирдим, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Азимжон Анорбоев 140 тур ичидан Ҳиндистон популяциясини олиб келиб, интродукция қилган. Бу "трихограмма чилонис", дейилиб, зараркунандалар тухуми билан озиқланади ва кўпаяди. Бундан ташқари, маълум бир суюқликдан, "in vitro" усулида трихограммани кўпайтириш технологиясини яратди. Лабораториямизда трихограмманинг эвенеси ва пинтои турлари кўпайтирилади. Трихограмма эвенесининг яшаб қолиши учун 75 фоиз намлик бўлиши, 25 даража ҳароратдан ошмаслиги керак. Ҳарорат 30 даражадан ошса, ушбу тур нобуд бўлади. Трихограмма пинтои худди шунақа 40-50 фоиз намлик бўлса ҳам кўпаяди. Лекин 35 даражадан ошса бу ҳам ўлади. Ҳозир далада 50-60 даража иссиқ бўлгани учун 30 дажаражадан паслаган вақтда, кечаси ёки эрталаб далага қўйилади.

Ҳиндистондаги трихограмманинг интуродукция қилиниши бизнинг жуда катта ютуғимиз бўлди. Чунки тропик ҳарорат юқори бўлган, қурғоқчилик авж олган мамлакатларда трихограмма яхши ишлайди. Бу трихограммани ё дронда тарқатасиз ёки банкани очиб қўясангиз ўзи учиб, ўлжасини излаб кетаверади. Бу жуда мураккаб жараён, лекин натижаси жуда яхши. Чунки шамол бўлса ҳам, ёмғир бўлса ҳам баргдан тушиб кетмайди. Тухумни қидириб топиб, зарарлаб, сўнг ўзи кўпаяди.

Жаҳонда ғўзани мингга яқин зарарлайдиган ҳашаротлар бор. Ўзбекистонда 250 га яқин зарарли ҳашарот мавжуд. Кўсак қурти (Heliothis armigera Hub), деган қурт бу ҳар йили ҳосилга жуда катта хавф солади. Кўсак қурти баргдан бошлаб шона, гул, тугунча, кўракни зарарлайди. Айрим йиллари баъзи зараркунандалар камайиб ёки кўпайиб кетади. Лекин кўсак қуртининг учта авлоди ҳар йили ғўзага тушиб, жуда катта зарар етказади.

Яна ғўзага тушадиган карадрина, деган хавфли қурт бор. У кўпроқ ғўзанинг баргини, қисман шоналарини зарарлайди. Шу нуқтаи назардан кўсак қурти ўта хавфли зараркунанда ҳисобланади. Ҳозирги бизнинг қилаётган ишларимиз кўсак қуртини тухум ҳолида йўқ қилишга қаратилган. Трихограмма кўсак қуртининг тухумларини чақиб, ичига ўзининг тухумини қўйиб, яна табиатга кўпайган ҳолда қайтади.

Бунинг кимёвий жараёндан афзаллиги шундаки, кимёвий усулда қаерга дори сепган бўлсангиз, ўша ерда зараркунанда ўлади. Биометодда эса трихограмма қўйилган жойдаги зарарли қуртлар тухумларини нобуд қилиб, бошқа жойлардаги қуртларни ҳам зарарлайди. Чунки унга ўлжа керак. Яъни, кўпайиш, насл қолдириш учун ўлжасини излаб топиб, йўқ қилиб, ўзи яна кўпаяди. Кимёвий дорининг ўрнига кластерда 100 фоиз тоза маҳсулот олиш мақсадида эрта баҳордан буён меҳнат қиляпмиз.

Бу амалиёт боғдорчилик, яъни мевали дарахтлар ҳосилдорлигини кўпайтиришда ҳам яхши натижа беради. Ҳар йили ўрик, олма дарахтига жуда кўплаб зараркунандалар тушиб, ҳосилни яроқсиз ҳолатга келтиради. Шунинг учун ҳозир мевали боғларда трихограмма эвенеси қўлланиляпти, у 60-70 фоиз самара беради. Мақсад зараркунандани тухум ҳолида йўқ қилиш. Тухумдан чиқиб, қуртлар мевага кириб кетганда у самара бермайди. Бундан ташқари, трихограмма эмброиофагум, дегани бор, олма қуртига қарши қўлланиладиган энтомофаг. Унинг ҳам самарадорлиги жуда яхши.

**Шуҳрат СУЯРОВ**

Яхшилардан қолур мудом яхши ном

*Тарихдан маълумки, ҳеч бир миллатнинг тафаккури, дунёқараши, турмуш-тарзи, маънавий қадриятлари ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Миллий қадриятларни асраш ва халқнинг ҳақиқий маънавий қиёфасини акс эттирувчи фазилатларни ўзида мужассамлаштирган меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам, кексаларга ҳурмат, шарқона одоб-ахлоқ, шарм-ҳаё каби энг олий инсоний туйғуларни кўз қорачиғидек эъзозлашда дин ва диний ташкилотларнинг ўрни беқиёсдир.*

# Диний ташкилотлар фаолиятига кўмаклашиш масаласида муҳим ва фундаментал енгилликлар



Мамлакатимизда ҳар бир шахснинг диний ҳиссиётлари камситилмай, унинг виждон эркинлиги, диний ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар, шунингдек, диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, диний таълим муассасаларининг фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

2021 йил 5 июлда имзоланган Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" ги қонунига кўра "биргаликда динга эътиқод қилиш, ибодат қилиш, диний расм-русмлар ва маросимларни бажариш мақсадида тузилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган кўнгилли бирлашма диний ташкилот" ҳисобланади.

Ушбу қонун давлат билан дин, диний ташкилотлар билан давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб, диний ташкилотларнинг ҳуқуқий мақомини ҳам белгилаб берди.

**Қонунда диний ташкилотларга оид қуйидаги янгиликлар киритилди:**

**Биринчидан,** диний ташкилот тузиш учун ташаббускорлар сони 100 нафардан 50 нафаргача туширилди, яъни маҳаллий диний ташкилотлар, жумладан, масжидлар ва бошқа конфессияларнинг ибодатхоналарини ташкил этиш бўйича ташаббускор фуқаролар сони икки баробар камайтирилди; Қонуннинг 17-моддасига кўра маҳаллий диний ташкилотни ўз ташаббусига кўра тузаётган, ўн саккиз ёшга тўлган, эллик нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари имзолари талаб этилади.

**Иккинчидан,** диний ташкилотнинг марказий бошқарув органи ва диний таълим муассасаларини тузиш учун ҳам 100 нафар ташаббускор бўлиши ҳақидаги талаб бекор қилинди.

**Учинчидан,** диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби енгиллаштирилди; Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда хизматлар адлия органларининг электорон тизими орқали кўрсатилади. Электрон тизимга кириш электрон рақамли имзо ёки шахсни идентификациялаш имконини берувчи бошқа усулларит орқали амалга оширилади. Мурожаат қилувчи электрон тизимга кирганидан кейин ўзининг шахсий кабинетидаги тегишли мурожаат турини танлайди, маълумотларни босқичма-босқич киритади ва ҳужжатларни электрон тизим орқали юборади.

**Тўртинчидан,** диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда тақдим этиладиган ҳужжатлар сони қисқартирилиб, уларни нотариал ва бошқа кўринишларда тасдиқлашга оид талаблар бекор қилинди, шунингдек, диний ташкилотни тузиш учун талаб этиб келинган маҳалла фуқаролар йиғинлари розилигини олиш тартиби ҳам бекор қилинди.

**Бешинчидан,** диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш асослари аниқ белгиланди; Қонуннинг 22-моддасига асосан, диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда, қарор қабул қилинган кундан кейин бир иш куни ичида электрон мурожаатни юборувчининг электрон тизимдаги шахсий кабинетига рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилади. Қонуннинг 23-моддасида диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асослар белгилаб берилган.

**Олтинчидан,** диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш бўйича берилган аризани кўриб чиқиш муддати 3 ойдан 1 ойга туширилди; Қонуннинг 21-моддасига биноан диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун-мурожаат олинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади.

**Ҳ.Н.ТУЙЧИЕВА,**
*ЎзХИА "Ижтимоий – гуманитар фанлар кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент.*

---

**Ота-она ва устозлар хизматларини қилиб, уларнинг дуоларини олиш бебаҳо савоб ишдир. Кимки шу ақидага амал қилса эл-юрт, қариндош-уруғ, фарзанд-зурриёдлари орасида обрў-эътибор топади. Ота дуоси – тоғ, она дуоси – боғ. Ота дуоси фарзандини тоғ бўлиб бало-қазолардан асрайди. Тоғдек юксак мартабаларга олиб чиқади. Она дуоси боғ бўлиб фарзанд дастурхонини ноз-неъматларга буркайди, ризқларини улуғ, қалбларини мунаввар қилади. Устоз эса шогирдини касб-ҳунар йўлига бошлайди.**

*Фидойилар номи барҳаёт*

# СУВ КЕЛТИРГАН ЗАР КЕЛТИРГАНДАН АЗИЗ



Наманганлик Тожимирза ака Абдуллаев ота-онаси, устозлари, ҳамюртлари дуосини олган азиз инсон эди. Ва алалоқибат бу фоний дунёдан у боқий дунёга рихлат қилганларидан сўнг ҳам юзлаб шогирдларию минглаб юртдошлари унинг ҳаққига дуолар қилишмоқда...

У вилоят сув қурилиши ташкилотлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, Янгиқўрғон тумани раҳбари лавозимларида фаолият юритиб, юрт ва халқ равнақига муносиб ҳисса қўшди. Авваллари Наманганга борсам, бу дунёда иймон ва эзгу амаллари билан, илм-маърифат излаб, фозилларга хос ҳаёт кечириб, мудом яхшиликларга шошилиб яшаган, деҳқончилик илмининг дарғаларидан бири Носиржон ака Отахонов билан кўришиб, ҳикматларга тўла суҳбатларини олиб қайтар эдим. Энди эса ҳар гал шу томонларга йўлим тушганда иймон-эътиқодли, устозларига садоқат кўрсатиб ўзи ҳам ҳурмат-эътиборли устоз даражасига етган Республика "Нуроний" жамғармасининг Наманган вилояти бўлими раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромхон ака Нажмиддинов билан учрашаман.

Икки минг йигирма биринчи йилнинг ўн олтинчи июли. Икромхон ака ҳузуридаман. Фарғонанинг Олтиариғида таваллуд топган, умр дафтарини одамларга, айниқса, оддий касб-кор эгаларига беҳисоб инфоқ-эҳсон қилиб безаган, меҳр-мурувват бобида шижоатли, ўзидан яхши инсон деган ном қолдириб кетган Нўъмон ака Омонов ҳақидаги "Қишлоқ ҳаёти" газетасида босилган "Одамийлик мактабининг муаллими эди" сарлавҳали мақолам босилганини айтиб газетани бердим. Икромхон ака мақолани ўқиб чиққач, "Жуда яхши иш қилибсиз, Нўъмонжон аканинг руҳини шод этибсиз. Наманганда ҳам шундай фидойи инсонлар кўп. Улардан бири устозим Тожимирза Абдуллаев. У киши Катта Наманган канали қурилишининг бошланишидан то ишга тушгунига қадар бош-қош бўлган. Ҳар гал Катта Наманган канали бўйларига бориб қолсам устозим ёдимга тушаверади. Қирғоқларига тўлиб оқаётган бу оби-ҳаёт манбаи қанча жонзотларга ҳаёт бахшида этаётганини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Наманган шаҳридаги "Навбаҳор" ўйингоҳи, Велотрек қурилишларида ҳам куну тун ўзи ишбоши бўлди. Ушбу ўйингоҳлар жаҳон стандартлари даражасида бунёд этилди.

Тожимирза ака Янгиқўрғон ва қўшни туманлар ерларини суғориш учун сув иншоотлари, насос станциялари, сув омборлари қурилишида ҳам жонбозлик кўрсатган. Сув йўллари бўйлаб кенг ва равон автомобил йўллари ҳам бунёд этилган. Москвадаги собиқ Иттифоқ вазирлари ҳузурига бориб, уларнинг тилини топиб юзлаб вагонларда сифатли ва экспортбоп темир қувурлар, насос станциялари учун қудратли двигателларни Ўзбекистонга олиб келишга муваффақ бўлган.

Сув келтирган, зар келтиргандан ҳам азиз. Шу каби фидойи инсонлар номини шарафлаб, улар ҳақида хотиралар ёзилса, уларнинг номлари абадийлаштирилса кўпчиликнинг дилидаги савоб иш бўлар эди", деб қолдилар.

Икромхон ака Тожимирза Абдуллаевнинг ўғли Бахтиёржонга қўнғироқ қилиб, пойтахтдан журналист келганлигини, отаси ҳақида мақола тайёрлаш кераклигини, отасининг ўртоқлари билан учраштириши лозимлигини айтди.

Бахтиёржон келгунига қадар Наманган вилояти Нуронийлар жамоатчилиги кенгаши, "Кексаларни эъзозлаш" жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллигига бағишлаб ҳамда узоқ йиллар Наманган вилояти тараққиёти учун фидокорона хизмат кўрсатган ўн олти нафар марҳум меҳнат фахрийларини ёдга олиш мақсадида ташкил этилган шахмат-шашка, стол тенниси, мини футбол, белбоғли кураш спорт турлари бўйича фахрийлар ўртасида ўтказилаётган вилоят биринчилиги мусобақаларининг очилиши маросимида иштирок этдик. Хотирланаётган марҳум фахрийлар орасида Тожимирза Абдуллаевнинг номи ҳам бор экан.

Бахтиёржон Абдуллаев билан Янгиқўрғонга йўл олдик. У отасининг ташаббуси билан бунёд этилган Эскиер сув омбори, "Ғалаба-1", "Ғалаба-2" насос станциялари, "Лола" болалар дам олиш оромгоҳи, мактаблар, касалхоналар, текис ва равон йўллар билан таништириб кетди. У кўнгли очиқ, фикрларини дангал айтадиган, замонавий дунёқарашли тадбиркор экан. Ўзининг айтишича, юз тузилиши ҳам, характери ҳам отасига жуда ўхшайди.

Тожимирза Абдуллаев билан бирга ишлаган, уни яхши билган Олимжон Назаров хонадонидамиз. Бизга Олимжон Назаров билан акаси – таниқли мусаввир, Ўзбекистон санъат арбоби Бахтиёр Назаров пешвоз чиқди. Буни қарангки, ўша куни Бахтиёр ака Тошкентдан туғилиб ўсган қишлоғига келган экан. У муддаомизни эшитгач, жуда хурсанд бўлиб кетди.

– Тожимирза ака туманимиздан чиққан ижодкор ва зиёлиларга жуда ҳам эътиборли бўлиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлар, эҳтиром кўрсатар эди, – дейди Бахтиёр Назаров. – Мен ўшанда талаба эдим. Тожимирза Абдуллаев Янгиқўрғон туманидаги мактабларни битириб Тошкентдаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган бир юз етмиш саккиз нафар талабани йиғиб, уларнинг аҳволидан хабар олиб, талабаларни тўкин дастурхон атрофида меҳмон қилган эди. Қачон қишлоққа келганлигимдан хабар топса, ҳузурига чақириб ижодий фаолиятим ва муаммоларим билан қизиқарди. Вақт ажратиб бир пиёла чойга таклиф қиларди.

– Тожимирза акадек улуғ инсон билан бирга ишлаганимдан фахрланаман, – дейди Олимжон Назаров. – Устозимиз ўта қатъиятли, лафзи ҳалол, ваъдасида маҳкам турадиган, талабчан раҳбар эди. У ўтказадиган йиғилишларга бир дақиқага ҳам кеч қолмас эдик. Интизом жуда кучли эди. Йиғилишларда ўртага қўйилган масала албатта ҳал этиларди. Акам самимий ва иқтидорли рассом бўлганлиги боис Тожимирза ака унга ҳавас қилиб, ўғлининг исмини Бахтиёр деб қўйган эди...

Яхши меҳмон ош устига келади, дейдилар. Ўша куни Янгиқўрғонда Тожимирза аканинг яна бир фарзанди Илҳомжоннинг хонадонида никоҳ тўйи бўлаётган экан. Давра тўрида чамаси саксон ёшлардаги, юзларидан нур ёғилиб турган, маъноли сўзлари билан барчамизнинг эътиборимизни ўзига жалб қилган мўйсафид Собиржон ҳожи Отажонов экан. Хотирамнинг панд берганини қарангки, Собиржон ота билан Тошкентда машҳур болалар шоири, раҳматли устозимиз Турсунбой Адашбоев даврасида бирга суҳбат қурган эканмиз.

– Тожимирза ака туманимизда ишлаган пайтда мен мактабларнинг бирида раҳбар эдим, – дея сўз бошлайди Собиржон ота. – Унинг ҳаётида содир бўлган бир воқеа ҳечам ёдимдан чиқмайди. Тожимирза аканинг бир одати бор эди. Ўзига яқин олган инсоннинг билагидан ушлаб олиб суҳбатлашарди. Янгиқўрғонга Республиканинг биринчи раҳбари келганида, ўрганган одатига кўра унинг билагидан ушлаб анча вақт гаплашиб туради. Буни кўрган ўша пайтдаги вилоят раҳбари мамлакат раҳбари билан қабул қилинган тартиб-тамойилларга зид равишда унинг билагидан ушлаб, четга тортиб гаплашишга қандай ҳаддинг сиғди, дея унга қаттиқ дашном беради. Шу воқеадан бошлаб Тожимирза аканинг бошида қора булутлар пайдо бўлади. Вилоят раҳбари қайсидир кимсалар томонидан уюштирилиб ёзилган туҳмат-бўҳтонлар сабабли уни ишдан олишга эришади.

Йиллар ўтиб ўша вилоят раҳбари қилган жиноятлари туфайли айбланиб суд қилинади. Тожимирза ака Абдуллаев ҳам судга гувоҳликка чақирилади. Бир пайтлар уни уюштирилган туҳматлар билан ишдан ноҳақ бўшатган бўлсада, судда бир оғиз ҳам кўрсатма бермайди.У шунақа мард инсон эди.

– Тожимирза аканинг раҳбарлиги остида сув қурилиши ташкилотларида ишлаганман, – дея тўй дастурхони атрофидаги суҳбатни давом эттиради Мавлон ҳожи ака Қирғизов. – Устозимиз ғоят талабчан, истеъдодли, хотираси кучли, жисмонан бақувват раҳбар эди. Бирор ходимга топшириқ айтган бўлса, унинг ижроси амалга оширилгунга қадар ҳечам эсидан чиқмасди. Устозимдан ўрганган раҳбарликнинг сир-синоатлари ҳаёт тажрибамда жуда асқотди.

– Онам раҳматли художўй аёл эди, – дейди Бахтиёржон. Отамни оиланинг султони деб унга итоат қиларди. Отам тонг саҳарда ухлаб ётганимизда ишга кетиб, ухлаб қолганимизда ишдан қайтар эди. Отамизни соғинганда онамизга эркаланардик.

**Акмал НУРИДДИНОВ,**
***Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси раиси, Ўзбекистон халқ рассоми, академик.***

Тожимирза ака билан ўн саккиз ёшимда танишган эдим. Ҳозирги кунда ҳам туман раҳбарлари шу инсон каби бўлиши керак. Шунда Президентимиз бошлаган ислоҳотлар янада яхшироқ натижа беради.

Тожимирза ака айтган гапининг уддасидан чиқадиган, эл-юрт манфаати йўлида нимадир қилсам деб ўзини унутадиган, одамларга фойдам тегсин дея виждон амри билан шижоат кўрсатадиган раҳбар эди. У қилган ишларини гапирмайдиган, ҳамюртларига фақат яхшиликларни раво кўрадиган ҳақиқий фидойи эди. Тожимирза аканинг фарзандларига жуда ҳавасим келади. Уларнинг барчаси отаси номига муносиб бўлиш билан бирга, унингдек эли, юрти, Ватани учун хизмат қилиб ҳурмат топишган.

Отам раҳматли Янгиқўрғонлик бўлганлиги боиси Тожимирза Абдуллаев номини ҳурмат билан тилга оларди. Шу инсон туманимизда узоқроқ раҳбар бўлиб турса ҳали кўп ибратли ишларни амалга оширади, дерди.

Мен ҳам Тожимирза ака номини эҳтиром билан эслайман. Илоҳим жойлари жаннатда бўлсин. У ўзидан яхши ном қолдириб кетди. Шундай инсонларнинг номлари абадийлаштирилса, айни муддао бўларди.

**Одил ОЛИМЖОНОВ,**
***иқтисод фанлари доктори, профессор.***

Кўпчилик Тожимирза ака ҳақида гапирганда, "Бу одам жуда катта ишларга қодир эди. Афсус, собиқ шўролар даври у кишига ўз юртига, халқига хизмат қилишга етарли имкон бермади", дейди. Гап Тожимирза аканинг юқори салоҳиятга эга раҳбар эканлиги ҳақида кетаётган бўлса, бундай фикрларга тўла қўшилиш мумкин. Лекин раҳбарлик фаолияти даврида амалга оширган ишлар кўлами ҳақида фикр юритилаётган бўлса, унда бу хулоса тўғри эмас. Негаки, Тожимирза Абдуллаев туман раҳбари ҳамда турли сув ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари раҳбари бўлиб ишлаган даврларида ўнлаб инсонлар умрида қилиши мумкин бўлган даражада сермаҳсул ишлади. У киши қайси ташкилотда ишламасин, ўша жойда иш самараси кескин ошди, иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар тубдан яхшиланди.

Шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш, йўллар, каналлар, сув омборлари, мактаб, боғча, ҳаммом, чойхона ва бошқа маданий-маиший бинолар қуриш масаласида Тожимирза ака ўз давридан анча олдинга ўтиб кетган эди. Собиқ СССРда 1980 йилларда бу масалага ҳали эътибор етарли эмас бўлиб, қишлоқ туманларида янги бир қурилиш қилиш ўта қийин масала бўлган. Тўғри, сув иншоотлари қуришга озроқ пул ажратилар, лекин ободонлаштириш, маданий-маиший бинолар қуришга деярли маблағ берилмасди.

Лекин Тожимирза ака бунинг уддасидан чиқа олган Ўзбекистоннинг кам сонли туман раҳбарларидан бири бўлган. Янгиқўрғон туманининг ўша пайтлар кўпчиликнинг ҳавасини келтирган ва ҳамон у кишидан ёдгорлик бўлиб туманнинг юзи бўлиб турган гўзал бинолари айнан Тожимирза ака раҳбарлигида барпо этилган.

Ўша даврда ҳам халқи учун, тумани учун фидойилик билан меҳнат қилган раҳбарлар кўп бўлган. Лекин фидокорона меҳнат билан биргаликда имконсиз замонда юртини гўзал, халқини бой қилишнинг йўлини топа олган туман раҳбарлари жуда кам бўлишган. Тожимирза ака ана шундай, йўқдан бор қила оладиган раҳбар бўлган.

Агар мустабид тузум Тожимирза акага ўхшаган халқи учун умрини бағишлашга тайёр бўлган раҳбарларга имкон берганида эди, турмуш даражамиз ўша пайтдагидан анча юқори бўлиши аниқ эди. Афсуски, у тузумнинг мақсадлари халқнинг турмушини яхшилаш эмасди...

Халқимиз Тожимирза акани бугунги мустақиллик даврининг одами экан, деб армон билан эслайди. Лекин бир нарса кўнглимизга таскин беради. Тожимирза ака ва у кишига ўхшаган раҳбарлар ўзлари ишлаган жойларда ўчмас из қолдиришди, улар қурган бир-биридан савлатли ва гўзал бинолар гўё ўзларининг ижодкорларига саловот айтиб туришибди. Энг муҳими, Тожимирза ака каби раҳбарлар мустақил давлатимиз асосларини яратиш сари илк қадамларни қўйишган!

* * *

*Салкам қирқ йиллик журналистлик фаолиятимда жуда кўп улуғ инсонлар ҳақида китоблар, эсселар, очерклар ва хотиралар ёзганман. Яна бир эли-юртига фидойи инсон ҳақида ёзиш насиб этганлигининг ўзи мен учун яна бир бахтли имкониятдир. Уни билган ва бирга ишлашган одамлардан бир нечтаси билангина суҳбатлашгач, у ўз ҳаёти давомида бунчалар кўп хайрли ишлар қилиш учун қандай имкон топган экан-а, деб ҳайратландим.*

*Тожимирза акадек инсонга берилган бундай тақдирни Парвардигоримиз фақат ўзи суйган бандасигагина раво кўрар экан...*

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
*"Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари, журналист.*

---

Бухорода Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги барча бошланғич ташкилотларда "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танлови вилоят босқичи ғолиблари тақдирланди.

# БУХОРОДАГИ ЭНГ НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР

– Жорий йилнинг май-июль ойлари давомида тармоқ касаба уюшмалари томонидан кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичлари юқори савияда ташкил этилди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши бўлим мудири Адолат Акрамова. – Вилоят миқёсида 7 та тармоқ касаба уюшмалари тизимида танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида 800 га яқин бошланғич ташкилотлар қатнашди. Кўрик-танловнинг тармоқ касаба уюшмалари вилоят босқичида 40 та боланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ғолибликни қўлга киритди.

Жумладан, аъзолар сони 100 нафаргача бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасида Жондор тумани 1-умумий ўрта таълим мактаби, "Шоҳруд" АЖ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Бухоро академик лицейи, Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро жамоат саломатлиги техникуми, Ғиждувон туман Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб интернати, Бухоро вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси, "Bukhara Brilliant Silk Cluster" МЧЖ бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ғолиб бўлди.

Шунингдек, аъзолари сони 100 нафардан ортиқ бўлган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида Бухоро шаҳар ихтисослаштирилган олимпия захиралари коллежи, "Бухородонмаҳсулотлари" АЖ, "Бухоро йўл кўклам" унитар корхонаси, Бухоро "Мурувват" ногиронлиги бўлган шахслар учун болалар интернат уйи, "Sitoraavtosavdo" МЧЖ, Когон шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактаби ва Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси бошланғич касаба уюшма ташкилотлари юқори кўрсаткичларни қайд этди.

**Зариф КОМИЛОВ,**
*ЎзА*

## Ғоят муҳим тарбиявий аҳамиятга эга китоб

Мутолаа

***Бундан қарийб ўттиз йил аввал, аниқроғи 1990 йил октябр ойининг охирги кунларидан бирида "Халқ сўзи" газетасининг нишона сони чиққан бўлиб, унда каминанинг "Самарқандда Америкача қотиллик" сарлавҳали хабари босилганди. Хабарда бир неча кун аввал Самарқанд шаҳрида Бош универсал магазин радио-электроника бўлими мудири А. Ш. эрталаб шахсий "волга"сида ишга бораётиб, чорраҳада, светофорнинг қизил чироғида тўхтаб турган жойида ортида мотоциклда келган икки номаълум қотил томонидан отиб кетилгани, жиноятчилар ҳануз топилмагани айтилганди.***




Ушбу қотиллик нафақат Самарқанд шаҳри, балки бутун республика аҳолисини даҳшатга солган, уларда наҳотки шундай кунларга, ваҳший жиноятчилар куппа-кундуз куни одам гавжум катта кўчада тап тортмасдан ошкора қотиллик қилишга журъат этадиган замонга етиб келдик, деган ҳақли норозиликка сабаб бўлганди. Нафсиламбирини айтганда, ушбу даҳшатли жиноят собиқ СССРда саксониничи йиллар ўрталаридан бошлаб юзага келган аянчли манзара – ит эгасини танимайдиган даражадаги бошбошдоқлик, давлат бошқаруви пароканда бўлган, коррупция авж олган, ҳуқуқ-тартибот идоралари иши тамоман издан чиқиб кетган, бинобарин, уюшган жиноятчилик кенг қулоч ёзиб, жамиятни бошқаришга даъвогарлик қила бошлаган, ўғрилик, зўровонлик, одам ўлдириш, фаҳш оддий воқеликка айланган, жабрдийдалар оҳу зорига ҳеч ким қулоқ солмай қўйган бир вазиятнинг кўзгудаги акси эди.

Ўша ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб воқеалар юз бериб ётган алғов-далғовли талотўп замонларда Оллоҳ халқимизга Мустақилликдек олий неъматни ҳадя этди ва шукрки, Истиқлолнинг дастлабки кунларидан мамлакатимизда барча соҳаларда тартиб ўрнатишга киришилди...

Яқинда таниқли журналист ва адиб Шоҳруҳ Акбаров қаламига мансуб "Мен ўзбекман", деб номланувчи ҳужжатли-воқеий романнинг иккинчи қисмини мутолаа қилдим. Кўп йиллар давомида прокуратура тизимида фаолият кўрсатган Тоҳир Мирзаев ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ушбу асарнинг бироз аввал чиққан биринчи китобида ушбу миллатпарвар, жасур ва фидойи ҳуқуқшуноснинг саксонинчи йилларда "пахта ишлари" баҳонасида Ўзбекистондаги олий раҳбарлардан тортиб оддий деҳқонларгача қатағон қилгани, Гдлян ва Ивановлар шайкасига қарши олиб борган матонатли кураши тасвирланганди. Иккинчи китобда эса ўша машъум саксонинчи йиллар ўрталарида бош кўтарган ва етти бошли аждардек аҳоли юрагига қўрқув солиб, бутун мамлакатга заҳрини соча бошлаган уюшган жиноятчиликнинг калласини янчиш ва илдизини қуритиш йўлида олиб борилган саъй-ҳаракатлар тўғрисида яқин-яқингача "мутлақо махфий" ҳисобланиб келган ҳужжатларга таянган ҳолда аниқ-равшан мисоллар асосида ҳикоя қилинади.

Ваҳимали воқеаларга тўла, ғоят қизиқарли ушбу асарнинг катта бир қисми юқорида тилга олинган, Самарқандни титратган жиноят ва уни очиш, айбдорларни ҳаққоний жазога тортиш йўлида олиб борилган машаққатли ишларга бағишланган.

Китобнинг "Самарқандни ларзага солган қотиллик" сарлавҳали муқаддимаси сўзимиз аввалида эсланган қотилликнинг қисқача тафсилоти билан очилади. Сўнгра асар бош қаҳрамони Тоҳир Мирзаев ўй-фикрлари, мулоҳазалари, жумладан, унинг ён дафтаридан олинган кўчирмалар асосида ўша йилларда собиқ иттифоқда, жумладан, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият, жиноятчилик ва унга қарши курашнинг ачинарли ҳолати, ҳуқуқ-тартибот идораларининг аянчли аҳволи, бу борада Москвадан юборилган "десант"чиларнинг ўйнаган машъум роли, бунинг оқибатида республика прокуратура, ички ишлар органларида кечаётган мураккаб, зиддиятли жараёнлар ҳақида мушоҳадалар юритилади. Дастлабки икки боб Тоҳир Мирзаевнинг республика прокурори муовини этиб тайинланиши ва Президент томонидан тузилган махсус комиссия раҳбари сифатида Андижонга келиши, бу ердаги тўқимачилик комбинати атрофига уя қурган ашаддий каллакесар жиноий бандалар фаолиятига қарши курашга киришиши билан якунланади. Шундан сўнг китобхон тергов гуруҳининг ушбу шаҳардаги хавф-хатарга тўла оператив фаолияти билан боғлиқ шов-шувли воқеаларни ҳаяжон билан кузатади. Олиб борилган қатъиятли тергов-қидирув жараёни юзга яқин жиноятчи унсурларнинг қамоққа олиниши билан якунига етади. Бироқ... жиноятчиларнинг аксарияти милиция, прокуратура, суд, жазони ўташ муасссасаларидаги сотқин пораҳўрлар, уларнинг Марказдан келган очкўз ва ҳаромхўр ҳомийлари ёрдамида ҳаққоний жазодан қутилиб қоладилар...

Китобнинг икинчи қисми Тошкент вилоятидан чиқаверишдаги ДАН пости яқинида юз берган яна бир мудҳиш жиноят тасвири билан бошланади. Яъни текширув манзилида ҳарактини бироз секинлаштириб, постдан ўтгач тезликни ошира бошлаган қизғиш рангли "жигули" автомашинаси ортидан яшил тусли, салонига уч киши минган яна бир "жигули" етиб келади ва ўнг томондан қувиб ўтаётиб, ён томондаги очиқ ойналар орқали олдинги машинадаги тўрт кишини тўппончалардан ўққа тутади. Қизғиш "жигули"дагиларнинг бири шу заҳоти ўлади, қолган икковлон оғир яраланади.

Кейинроқ аниқланишича, бу отишма муқаддимада ҳикоя қилинган қотилликни амалга оширган жиноий тўда ва бошқа бир шунга ўхшаш шайка аъзолари ўртасидаги "разборка" бўлган ва унинг оқибатида Самарқанддаги катта бир жиноий "авторитет" нақ пешонасидан ўқ еб, жойида тил тортмай ўлган...

Республика ҳукуматининг махсус қарорига асосан тузилган махсус гуруҳ бош прокурор муовини Тоҳир Мирзаев бошчилигида Самарқандда ушбу жиноятлар силсиласини бирма-бир фош қилишга киришади. Бу борада кейинчалик жиноятчилар қўлида мардларча ҳалок бўлган *(бу тахмин, чунки у 1991 йили бедарак йўқолгани кўйи ҳанузгача изи топилмаган)* жасур терговчи Ҳабибулла Саломов алоҳида жасорат ва матонат кўрсатади. У бошлиқ изкуварлар қилни қирқ ёришиб, жиноий гуруҳ томонидан қилинган кўплаб зўравонлик ва қотилликларни, иқтисодий жиноятларни очадилар. Ва ниҳоят одамкушлар устидан суд бўлади, ваҳшийлар қонуний жазосини олади. Тўда етакчилари отувга, ҳамтовоқ ва гумашталар узоқ йиллик қамоқ жазоларига ҳукм этилади.

Андижон шаҳридаги тадбиркору тижоратчиман, деганни қон-қақшатган, ўзларининг мудҳиш кирдикорларига заррача қаршилик кўрсатганларни шафқатсизларча азоблаб, ўлдириб, катта бир шаҳарда ўзлари хон, кўланкалари майдон бўлиб юришган ва ҳатто дастлаб қамоққа олинганларидан сўнг ҳам қонуний жазодан қутилиб қолган, оқланиб, ёхуд енгил жазо олиб, озодликка чиққач чет элларга қочган қотил бандитлар ҳам охир оқибат тутиб келиниб ўзларининг мудҳиш қисматларига дучор этиладилар. Бир нечасига олий, қолганларига узоқ муддатли қамоқ жазоси берилади. .

Китобни ўқиган киши бу ишларнинг осон кечмаганига ишонч ҳосил қилади, Москвадан "Ўзбекистонда жиноятчиликка барҳам бериш, адолатни қарор топтириш ва қонуний тартиб ўрнатиш" учун юборилган катта лавозимли мансабдорлар, генераллар ва уларнинг маҳаллий гумашталари амалда уюшган жиноятчиликнинг ҳамтовоқлари ва ҳимоячиларига айланиб кетганини кўриб, таажжуб ва таассуфдан ёқасини ушлайди.

Муаллиф тасвирланаётган воқеаларнинг нақадар даҳшатли, ашаддий жиноятчиларни излаш, топиш ва айбларини далилий ашёлар воситасида исботлаш нечоғлик мураккаб кечганини англаган ҳолда китобда воқеийлик принципидан чекинмасликка, баёнда фақат ва фақат ҳужжатларга таянишга, вазиятларни кўрсатишда бирор ортиқча ташбеҳга йўл қўймасликка имкон қадар ҳаракат қилган. Зеро, мураккаб жиноий ишларни тергов қилишда, гумондорларга муносабатда айбсизлик презумпциясига қатъий риоя этиш қонуннинг қатъий талаби ҳисобланади.

Фикримизча, ушбу қизиқарли, ибратли китоб айнан бугунги кунларда эълон қилингани алоҳида моҳият ва аҳамиятга эга. Негаки, мамлакатимизда демократик ислоҳотлар изчил давом этиб, том маънодаги эркинликлар кенгайиб бораётган бир шароитда бу имкониятларни нотўғри тушунувчи, улардан ўзларининг тор ва ғаразли манфаатлари йўлида фойдаланишга уринувчи ғаламислар, ҳатто ўша машъум 90-йиллардаги тийиқсизликларни, "кўча қоидалари асосидаги разборкалар"ни, "чойхоначилик"ни соғинган каслар ҳам борлиги сир эмас. Баъзида интернет тармоқларида бир-бири билан "кўча"часига гаплашмоқчи бўлаётган, қонуний адолатни "чойхона"да ўтириб ўрнатишни орзу қилувчи кимсаларнинг бу ҳақда тап тормай гапираётганларини кўриб, беихтиёр хавотирга тушади киши. Бундайларга ўз вақтида ҳаққоний танбеҳ берилмоғи, бу дунёқараш ҳалокатли экани ҳақида қаттиқ огоҳлантириб қўйилмоғи фарздир.

Бинобарин, ушбу асар уни ўқиган ҳар бир кишида жиддий хулосалар чиқаришга, ундаги ибратли воқеалардан тегишли сабоқлар олишга иштиёқ уйғотади. Ҳар қандай жиноят эртами-кечми, муносиб жазоланиши аниқ ва муқаррар эканини яққол кўрсатади. Шу жиҳатдан ғоят муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Китобга таниқли ҳуқуқшунос, юридик фанлар доктори, профессор Мавжуда Ражабова масъул муҳаррирлик қилган.

**Ҳабиб ТЕМИРОВ,**
*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*

# "Ипотека-банк" АТИБ ва Халқаро молия корпорацияси ҳамкорлик ишлари самарали давом этмоқда

IPOTEKA BANK

***Бунга мисол сифатида навбатдаги ўқув-амалий машғулотини айтишимиз мумкин. Унда банкнинг Экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимида банд бўлган ва бошқа тегишли ходимлар малакаси оширилди.***

Авваллроқ маълум қилинганидек экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш стандартлари банкнинг ушбу рисклар юзага келиши мумкин бўлган барча актив операциялари *(кредит, банк кафолатлари ва кафилликлари тақдим қилиш, лизинг, суғурта, савдони молиялаштириш, корхона / ташкилотлар устав жамғармасига инвестиция киритиш)* ҳамда банкнинг шўба ташкилотлари *("Ipoteka-leasing" МЧЖ ва "Imkon sug'urta" МЧЖ)* фаолиятига 01.07.2021 йил санасидан жорий қилинди.

Экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш стандартлари банкнинг юқорида қайд этилган амалиётлари доирасида қўлланилиши жараёнида, амалиётлар бажарилишида қатнашаётган ва айниқса, экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимида банд масъул ходимлар орасида юзага келаётган амалий саволларга банк бош офисида фаолият юритувчи экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш бўлими ходимлари томонидан жавоблар берилиб, улар бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Ҳамда ушбу саволлар рўйхати шакллантирилиб, ХМК томонидан экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириб бориш ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ёлланган консультанти Евгения Бурнаковага тақдим қилинди.

ХМК консультанти томонидан банкнинг экологик ва ижтимоий рискларини бошқариш бўлими билан ҳамкорликда, тақдим қилинган саволлар рўйхати асосида ҳамда тасдиқланган трансформация режасига асосан экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимида банд бўлган ва бошқа тегишли ходимлар малакасини ошириш мақсадида жорий йилнинг 23 ва 24 июль кунлари ўқув-амалий машғулот *(вебинар)* ташкил қилинди.

Вебинарда қайд этилган актив амалиётлар *(кредит, банк кафолатлари ва кафилликлари тақдим қилиш, лизинг, суғурта, савдони молиялаштириш, корхона / ташкилотлар устав жамғармасига инвестиция киритиш)* ҳамда банкнинг шўба ташкилотлари *("Ipoteka-leasing" МЧЖ ва "Imkon sug'urta" МЧЖ)*лардан экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш жараёнида иштирок этаётган масъул ходимлар иштирок этди.

Вебинар якуни бўйича иштирокчилар ва ташкилотчилар ўртасида саволлар алмашинилиб, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида якуний хулосалар жамланди ҳамда улар Экологик ва ижтимоий рискларни бошқариш соҳасининг келгуси иш фаолияти ва кейинги ўқув-амалий машғулотлар режасидан ўрин эгаллади.

Реклама




## Эълонлар

Шаҳрисабз шаҳар 2-сон *(Собиқ Шаҳрисабз технология касб-ҳунар)* касб-ҳунар коллежи томонидан 2012 йилда Ўринбаев Абдухалил Абдулҳаким ўғли номига берилган К № 2401311 *(рўйхат рақами 00151)* рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицей томонидан 2019 йилда Зарипов Шоҳруҳжон Жўрақул ўғли номига берилган L № 377659 *(рўйхат рақами 48)* рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Миллий университети *(собиқ ТошДУ)* томонидан 1987 йилда Хадарцев Махарбек Хазбиевич номига берилган ПВ № 826304 *(рўйхат рақами 22456)* рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Юнусобод туманидаги 240-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йилда Сувонов Сухроббек Элдорбек ўғли номига берилган U M № 1166180 *(рўйхат рақами 65)* рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

QISHLOQ HAYOTI

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-747. 2 259 нусхада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.00